



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 31 май, жума №87 (1304)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

Андихон вилоятида «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳаётга ижрога солинган элиб, туб ўзгаришларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбари вилоят шoshiлич тиббий ёрдам бўлимининг очилишида иштирок этиб, муҳим соҳани ривожлантириш юзасидан қимматли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берганди. Орадан муайян вақт ўтди. Бу орада маъмур сўхатгоҳ моддий техника базасини яратиш учун 937 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий жиҳозлар келтирилди. Буларнинг ҳаммаси тиббий хизматни аҳоли ўртасида намунали ташкил этиш, янги шифо масканлари қуриш, малакали кадрлар тайёрлашда муҳим рол ўйнади. Қаранг, қишлоқ жойларда 17 та врачлик пункти ишга туширилди. Газетамизнинг иккинчи сўхифасида Андихон вилоятида тиббий хизмат соҳасидаги янгиликлар, замонавий шифоналар, касаба уюшмаларнинг муҳим ишга қўшаётган ҳиссалари хусусида ҳикоя қилинади.

ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК — БАҒҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти бекиёсдир.

Ислом **КАРИМОВ**

Тошкент Ислом университетида «Динлараро тўвлик бағрикенглигида диний манбаларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Фанлар Академияси Шарқшунослик институти ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти олимлари, Ўзбекистон Муслмонлари идораси уламолари, Тошкент Олий маъҳади ҳамда диний таълим муассасалари мударрислари диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва байқонун миссионерликнинг олдини олишга бағишлаб жойларда ўтказилган мунозараларни умумлаштириб, зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов ва Президентини Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда нашр этилаётган диний адабиётлар кўламининг кенгайиши динлараро мулоқотга йўл очиб бериш билан бир қаторда, баъзи диний манбалар таржумаларида камчиликлар борлигига эътибор қаратдилар. Муқаддас китоблар - Қуръони карим ва Инжил маъноларини ўзбек, рус ва бошқа ажнабий тилларга таржима қилишда билиб-билмай йўл қўйилаётган нуқсонлар турли дин вакиллари ўртасида тушунмовчилик туғдириб, бу эса, ўз навбатида, диний бағрикенглик бағрикенглигига ҳавф солиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Семинар иштирокчилари тинчликни асраш, турли миллат, элат ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва биродарликни янада такомиллаштиришда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Мунозараларда фикр билдирган диншунос, ҳуқуқшунос, шарқшунос олим уламолар ҳамда республикада фаолият кўрсатаётган турли диний конфессия вакиллари кўтарилган муаммоларнинг ечимини юзасидан таъкидлаш ва амалий таклифлар қабул қилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов ва Президентини Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда нашр этилаётган диний адабиётлар кўламининг кенгайиши динлараро мулоқотга йўл очиб бериш билан бир қаторда, баъзи диний манбалар таржумаларида камчиликлар борлигига эътибор қаратдилар. Муқаддас китоблар - Қуръони карим ва Инжил маъноларини ўзбек, рус ва бошқа ажнабий тилларга таржима қилишда билиб-билмай йўл қўйилаётган нуқсонлар турли дин вакиллари ўртасида тушунмовчилик туғдириб, бу эса, ўз навбатида, диний бағрикенглик бағрикенглигига ҳавф солиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

(ЎЗА)



«Кувасойцемент» корхонасида

ҲОМИЙ ҲИММАТИ

Йил бошида Қашқадарё вилоят «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси ҳомийлигида Косон туманида 226 ўринли янги мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Яқинда уюшма мазкур мактаб учун яна 10 миллион сўмлик дарслик ва спорт жиҳозлари олиб берди.

Айни пайтда «Мустақилликнинг 10 йиллиги» номи мазкур мактаб ҳисоб рақамида 2 миллион 700 минг сўмдан зиёд маблағ бор. Шу ҳисобдан мактаб кутубхонасини янги адабиётлар билан бойитиш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига дарслик ва ўқув қуроллари сотиб олиш режалаштирилмоқда.

БЕЛГИЯ

ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

Белгиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Валлон ҳудуди Экспорт агентлиги бош директори Ф.Сюинен раҳбарлигидаги делегация вакиллари пойтахт ҳокимлигида бўлди.

Тошкент ҳокими Р.Шоабдураҳмонов билан учрашувда пахта етиштириш бўйича дунёда энг олдинги ўринларда турувчи Ўзбекистон учун белгиялик тадбиркорларнинг пахта хом ашёсини қайта ишлаш борасидаги тажрибаси аниқса кўл келиши таъкидланди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги иситиш тизимларини янгилаш, ичимлик сувини тозалаш, замонавий ахборот технологиялари ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш борасида сўз борди.


«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Белгия ҳамда Ўзбекистон ишбилармонлари иштирокида кооперация биржаси уюштирилди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА)

Касаба уюшма спортчилари доверуғи

Польшанинг Познан шаҳрида бўлиб ўтган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Жаҳон Кубоги иккинчи босқич беллашувларида ўтган йилги Жаҳон биринчилигининг кумуш ва бронза медаллари совриндори, қитъа чемпиони Антон Ряхов мусобақа шўхусасига кўтарилди. 200 ва 500 метр масофалар бўйича ўтган баҳсларда унга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, яна бир иқтидорли спортчимиз, Осие чемпиони Юлия Борзова ҳам совриндорлар сафидан жой олди. У мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди.

Тошкент аэропортида спортчиларимизни оила аъзолари, яқин қариндошлари, мураббий ва мутасаддилар ҳамда оммавий ахборот воситалари



РЯХОВНИНГ ИККИ ОЛТИН МЕДАЛИ

ри ходимлари кутиб олишди. Фурсатдан фойдаланиб мусобақа голиби А.Ряховни сўхбатга чорладик:

— Антон, аввало, катта галаба билан кутлаймиз.

— Раҳмат. Халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтарганимдан гоётада хурсандман, ҳаяжонимнинг эса чеки йўқ.

— Мусобақалар қандай ўтди? Дунёнинг энг сар спортчилари билан беллашиш осон бўлмагандир?

— Нима десам экан, мусобақа мен учун қайсидир жиҳатлари билан оғир кечди. Айтганимиздек, Германия, Россия, Аргентина, Польша, Хитой сингари мамлакатларнинг кучли спортчилари билан беллашиш, — дея голиб бўлиш осон эмас. Иккинчи жиҳатдан, мусобақаларда халқ килувчи бирол ўйнади. Шунингдек, у ердаги об-ҳаво даярли ўзимиздагидек бўлганлиги ҳам қайсидир даражада ёрдам берди.

— Антон, кейинги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Тез орада Германияда Жаҳон Кубоғининг навбатдаги босқич беллашувлари, август ойида эса Испанияда Жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Ниятим, бу мусобақаларда ҳам кўнгулдагидек қатнашиб, жаҳон чемпиони деган шарафни номга сазовор бўлишдир.

Кези келганда, хозирга қадар кўлга киритган барча муваффақиятларимга катта меҳнати сингган мураббийларимга, Республика Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг жонкуяр раҳбарларига, шу билан бирга, бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб турган касаба уюшмалари мутасаддиларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

— Биз Польшага борлайми? — дея сўхбатга қўшилди терма жамоа бош мураббийи Вячеслав Йўлдошев. — Ваҳоланки, бошқа мамлакат терма жамоалари 15-20 нафар вакили билан қатнашди. Очиғи, вакилларимизнинг голиб бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Чунки 37 мамлакат вакиллари иштирокидаги мусобақада ўнлаб кучли хорижлик спортчиларнинг зафар

кучиши башорат қилинган эди-да. Шу боис ҳам Жаҳон Кубоғи беллашувларидан иккита олтин ва битта кумуш медал билан қайтганимизни катта муваффақият деб биламан.

Айтганча, касаба уюшмалари тасарруфидоги Республика Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари — Антонина Маскалёва, Сергей Борзов, Дмитрий Коваленко, Даниэл Турчин каби спортчиларимиз қаторида йилдан-йилга ўз маҳоратини ошириб, юксак натижаларни кўлга киритаётган Юлия Борзовадан ҳам умидимиз катта. Шахсан мен унинг яқин келажакда халқаро майдонда Ўзбекистонимиз шўхратига шўхрат қўшишига ишонаман.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда касаба уюшма спортчилари мамлакатимиз доверуғини дунёга ёймоқда. Зеро, олис Польшада кўлга киритилган ушбу галаба спортимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилса, ажабмас.

Камол Оллоёров,
«Ишонч» мухбири,
Ф.ХИДИРОВ
олган сурат.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда бир қанча Қарорлар қабул қилиндики, уларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнатқиларнинг хавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитларида ишлаш каби ҳуқуқларини таъминлаб беришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги», 18-моддасида эса «Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий чора белгиланмайди» деб таъкидланган. Лекин қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг ихроси, айрим корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳоли яхши деб бўлмайдми. 2002 йилнинг 4 ойи давомида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қиладиган бўлсак, бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар Самарқанд қишлоқ вақоидида, қолганлари 16-сон АНК транспорт корхонаси, «Алпомиш» оқич ҳиссадорлик жамияти, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Самарқанд темир йўл станциясида содир бўлган эди. Ҳўжалик субъектларида

ни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ёритилмаган. Шу сабабли содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг асосий қисми ходимнинг хавфсизлик техникаси бўйича билими етишмаслиги оқибатида ва хавфсиз меҳнат қилиш муҳити яратилмаганлиги сабабли келиб чиқмоқда.

Корхоналарнинг жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бандлар номига киритилган. Молиявий ва иқтисодий қий-

берувчилар бахтсиз ҳодиса тўғрисида хабарномаларни кечикиб беришмоқда, айримлари тўғрисида эса маълумотлар прокуратуралардан олинмоқда. Бу эса ўз навбатида бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлашда, йўл қўйилган қоида бузилишларига тўғри баҳо беришда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси таркибида фаолият кўрсатаётган Давлат меҳнат техника инспекцияси ва меҳнат шaroитлари экспертизаси бўлими ходимлари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича корхоналарга маслаҳатлар бериш, ушбу соҳа бўйича ходимлар билимини ошириш, тарғибот ишларини олиб боришга ҳам эътибор қаратишмоқда.

Тасдиқланган режаларда йил охиригача 150 дан ортиқ корхонада семинар йиғилишлар ўтказиш, 18 та корхонада раҳбарлар ва доимий фаолият кўрсатувчи шаходат комиссияси аъзоларининг билимларини ошириш ва текшириш кўзда тутилган.

А.НИШОНОВ,
Самарқанд вилоят ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Давлат меҳнат техника бош инспектори.

Қонун барчага баробар

меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги махсус текширишлар давомида шу нарса аниқланмоқдаки, кўпгина иш берувчилар панжа орасидан қарашмоқда. Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган аксарият ташкилотларда ҳатто меҳнат муҳофазаси бўйича маъмул ходимлар ҳам йўқ. Аксарият корхоналарда меҳнат муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар номига тайинланган. Улар корхонанинг бошқа ишлари, билан банд бўлиб қолишмоқда.

Ходимларни ишга қабул қилиш даврида ва иш жойида бериладиган йўриқномалар талабга тўлиқ жавоб бермайди. Ишчилар ва мансабдор шахсларнинг лавозим йўриқномаларида меҳнат

инчиликлар рўқач қилинуб, меҳнат муҳофазаси учун ажратиладиган маблағлар асоссиз равишда қисқартирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги Қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарлашсини» текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомнинг III бўлим 2-моддасига кўра иш берувчи содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида Давлат меҳнат техника инспекциясига ва бошқа тегишли идораларга дарҳол хабар беришлари, улар прокуратура ходимлари билан биргаликда дарҳол воқеа содир бўлган жойга чиқишлари шарт. Лекин айрим иш

БИРИДАН ҚУВОНАСИЗ, БИРИДАН ЭСА...

Фаргона вилоятидаги болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?

Болажонларнинг энг сеvimли фасли — ёз ҳам бошланди. Табиийки, энди мактаблардаги ўқувчи ҳаёт оромгоҳларга кўчди. Ўқувчиларнинг ёзги таътили мароқли ўтиши кўпроқ улар дам оладиган оромгоҳларнинг мавсумга қандай тайёрлигига боғлиқ. Шу боис, биз Фаргона вилоятидаги оромгоҳлардаги аҳвол билан қизиқдик.

Бу йил вилоятда 90 та болалар оромгоҳлари ташкил этилиб, у ерларда 26985 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳокимлик билан ҳамкорликда мавжуд оромгоҳлар бошлиқлари аттестациядан ўтказилди. Водил қишлоғидаги Сотволдиев номи оромгоҳида юқоридаги дам олиш масканларига масъул бўлган барча муассасалар вакиллари ва

раҳбарлари иштирокида семинар ташкил этилди. Унда оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш масаласи атрофида муҳокама қилинди. Таъмирлаш ишларини яқунлаш мuddати аниқлаб олинди.

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда Олтиариқ, Бешариқ, Дангара, Учкўприк, Фаргона туманлари бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Ушбу туманларга қарашли болалар дам олиш масканлари ёзги мавсумга барвақт тайёрлаб қўйилди. Айниқса, Фаргона темир йўллари дирекциясига қарашли «Темирйўлчи», Фаргона механика заводининг «Хумо», «Фаргонанефт» ҳиссадорлик жамиятининг «Нефтчи», Олтиариқ нефтини қайта ишлаш заводининг «Тонг» оромгоҳларидаги ишларни қўриб қўзингиз қувонади. Бу ерларда ётоқхоналар, спорт майдонлари мавсумга тахт қилинган.

Лекин, оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлашда муаммолар ҳам йўқ эмас. Езёвон туманидаги «Гулшан» оромгоҳида таъмирлаш ишларини ходимларнинг ўзлари олиб боришмоқда. Устига-устак бу юмушга етарли маблағ ажратилмаган. Натижада оҳақ, цемент, бўёқ каби зарур хом ашёлар етишмаяпти. Шундай бўлгач, сифатли таъмир ҳақида нима дейиш ҳам мумкин?

Охунбобоев туманидаги «Рохат» оромгоҳида ҳам аҳвол яхши, деб бўлмайдми. Таъмирлаш ишларига жуда кеч киришилди.

Вилоят ҳокимининг шу йил 10 апрелда «Вилоят меҳнатқиларни фарзандларининг 2001 йилги соғломлаштириш мавсуми яқунлари ҳамда 2002 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми мобайнида болаларнинг дам олишларини ташкил қилиш тўғрисида» ги қарори чиққан. Унга кўра шу йил 5 июнгача вилоятдаги барча оромгоҳлар фойдаланишга топширилиши шарт. Савол туғилади. Юқорида таъкидланган бўлган ва бошқа баъзи оромгоҳлар қолган қисқа мuddатда тайёрлик ишларини яқунлай олармикин?

М.СОБИТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бир фармон шарофати ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

ЧЕХРАНГИЗДА ТАБАССУМ КЎРСАМ...

Шифонамиз қишлоқ меҳнаткашлари ҳамда шаҳар аҳолисининг бир ёшдан тортиб 14 ёшгача фарзандларига тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган. 500 нафарга яқин шифокор ёш авлод саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Уларнинг 24 нафари олий тоифали, қолганлари I-II тоифали мутахассис. 70 нафарга яқин шифокорларимиз республикамиздаги номдор тиббиёт олийгоҳларида малакаларини ошириб қайтганлар.

Болалар соғлигини назорат қилувчи маслаҳат-ташхислаш поликлиникаси фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Кўнра 150 беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган сихатгоҳда Андижон тиббиёт олийгоҳининг 4 та кафедраси бирктирилган бўлиб, 2 нафар профессор, 2 нафар доцент, фан докторлари болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг долзарб муаммолари устида самарали илмий текшириш ишларини олиб борапти.

Шифонамизнинг илмий-техника ва амалиёт базаси жаҳон андозаларига тенглаштирилган. Даволаш-профилактика ишларини такомиллаштиришда Япониянинг «Сименс», Болгариянинг компьютерлари, Россиянинг бош мия, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини текширувчи «электроэнцефалограф» ва бошқа эндоскопик ускуна-жihazлари фоят қўл келмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими билан муштаҳкам алоқа ўрнатилган. Тажриба алмашинув мақсадида ходимларимиз Америка Қўшма Штатлари, Япония мамлакатларида бўлиб, беморларни даволашнинг энг сўнгги ютуқлари билан танишдилар.

Сихатгоҳимизда

қишлоқ ва туманлардаги болалар саломатлигини назорат қиладиган тажрибали шифокорлардан тузилган ижтимоий тиббий ёрдам гуруҳи доимий хизматда. Фан докторларидан Олимжон Тошбоев, Манзураҳон Фаниева, олий тоифали шифокорларимиздан Абдумажид Назиров, Ферузахон Мустафина, Галина Шербак, терапевтлардан Розахон Фаттолова, ҳамширалардан Ферузахон Умаровалар жамоа ҳўжаликларига, малакаларини ошириб қайтганлар.

Болалар соғлигини назорат қилувчи маслаҳат-ташхислаш поликлиникаси фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Кўнра 150 беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган сихатгоҳда Андижон тиббиёт олийгоҳининг 4 та кафедраси бирктирилган бўлиб, 2 нафар профессор, 2 нафар доцент, фан докторлари болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг долзарб муаммолари устида самарали илмий текшириш ишларини олиб борапти.

Шифонамизнинг илмий-техника ва амалиёт базаси жаҳон андозаларига тенглаштирилган. Даволаш-профилактика ишларини такомиллаштиришда Япониянинг «Сименс», Болгариянинг компьютерлари, Россиянинг бош мия, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини текширувчи «электроэнцефалограф» ва бошқа эндоскопик ускуна-жihazлари фоят қўл келмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими билан муштаҳкам алоқа ўрнатилган. Тажриба алмашинув мақсадида ходимларимиз Америка Қўшма Штатлари, Япония мамлакатларида бўлиб, беморларни даволашнинг энг сўнгги ютуқлари билан танишдилар.

риш имкониятларини кенгайтириш вазифалари кўйилган. Бу ўринда шифонамиз ҳузуридagi «Маънавият ва маърифат маркази» иши мактовга сазовор. Марказга бошланғич касаб уюшма ташкилоти раҳбарлик қилмоқда. Туман ва шаҳарларда «Саломатлик кунлари» ўтказиш анъанага айланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 560 нафар ўсмир-ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Соғлом оила ҳақида савол-жавоб учрашувлари ҳам уюштирилмоқда. Андижон шаҳридаги 1-гимназияда очилган «Саломатлик мактаби» муваффақиятли ишламоқда.

Касаба уюшма ташкилоти билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида белгиланганидек, хотин-қизлар, кам даромадли оилалар, қариялар, боқувчисини йўқотганларнинг ижтимоий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Наврўз байрамида икки ёшгача бола тарбиялаётган оналарга, 15 нафар нафақахўрларга 150 минг сўмлик совғасаломлар тарқатилди. Зарarli шароитда ишлайётган 47 нафар ҳодимга махсус кийим-бош берилди. 360 нафар ўрта тиббиёт хо-

димларига рағбатлантириш фондидан маошига 15 фоиз миқдорда қўшимча иш ҳақи тўланмоқда. Меҳнат ва уруш фахрийлари, шунингдек, ходимларнинг фарзандларидан бир гуруҳини «Шифокор» сихатгоҳида бепул дам олдириш режага киритилган.

Бундан буюн ҳам оналар, болаларни соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Светлана ИНОМОВА, Андижон вилояти 1-болалар клиник шифонаси бош шифокори, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори.



ХУСУСИЙ ТИББИЁТ РАВНАҚИ

Президентнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида тиббий хизматни хусусийлаштиришга алоҳида ўрин берилган бўлиб, халқ саломатлигини сақлашнинг жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш вазифа қилиб қўйилган. Утган давр йил мобайнида тиббиётни ислох қилиш соҳасида вилоятда катта ўзгаришлар содир бўлди. 332 нафар юридик макомга эга тадбиркорга хусусий тиббиёт билан шугулланиш учун рухсатнома берилди. 33 та шифохона пуллик хизматга ўтказилди. Умуман, йил давомида нодавлат тизимдаги хусусий сихатгоҳлар тиббий хизматидан 131 минг 810 нафар бемор баҳраманд бўлиб, давлат хазинасига 100 миллион сўмлик маблағ кириш қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Нодавлат сектор ходимларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарориди хусусий тиббиёт соҳасида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг қонуний меъёрлари белгилаб берилган.

Ходимлар учун хавфсиз, қулай меҳнат шароитини яратиш, иш ҳақини вақтида тўлаш, унумдорликни оширганлик учун рағбатлантириш, қонунга ҳилоф равишда ишдан бўшатишга барҳам бериш масалалари диққат-эътиборимизда турибди.

Меҳнатни меъёрлаштириш, қонунсиз меҳнат шартномаларини бекор қилиш, қайта ишга тиклаш, тоvon пулини ундириш ва бошқа масалаларни назорат остига олганмиз. Утган йили кўмитаси жойлардан 34 та, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 9 та ёзма ариза олди. Шуларнинг 5 тасида меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича ходимнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди. Яъни, Улуғнор туманидаги марказий шифохона ҳамшираси Марғубахон Асқарова, Марҳамат туманидаги марказий шифохона котибаси Зайнабхон Худойбердиева, вилоят «Тибашё» жамоа корхона-

си ходимаси Мунисахон Нурматова бевосита кўмитамиз ёрдами билан қайта ишга тикландилар. Мажбурий таътил кунлари иш ҳақлари айбдорлардан ундирилиб, адолат қарор топди.

Ёлланма ходимларга ўз вақтида иш ҳақи, мукофот пуллари тўлаётган, текин иссиқ-овқат билан таъминланган хусусий шифохоналарда тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Масалан, Хўжаобод туманидаги «Зайнаб» хусусий проктология сихатгоҳи хизматидан беморлар мамнун. Бу ерда меҳнатни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Ходимлар учун дам олиш хонаси ишлай турибди. Улар махсус кийим-бош билан таъминланган. Ёш боласи бор, ногирон фарзанд тарбиялаётган хотин-қизларга қўшимча пуллик меҳнат таътиллари берилмоқда. Кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари тоифаларига кўра, имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланмоқдалар.

Бирок, нодавлат тизимидаги ҳамма шифо мас-

канларида ҳам ходимларнинг ижтимоий ҳимояси талаб даражасида эмас. Масалан, Булоқбoshi туманидаги Қаюм Султонов номидаги 20 ўринли хусусий шифохонада 10 нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қилади. Муассасада ҳозиргача касаба уюшма ташкилоти тузилмаган. Шу боис иш берувчи билан ходимлар ўртасида жамоа шартномаси расмийлаштирилмаган. Натижада, бу ерда дам олиш хонаси ишламайди. Кирювиш хонаси жиҳозланмаган. Ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланмаган.


Иш ҳақининг 8 ойдан буюн берилмаётганлиги эса бу ерда меҳнатга рағбат қандай ахволдалигини кўрсатиб турибди.

Яқинда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раёсати ўтказилди. Раёсатда тўпланган тажрибалар умумлаштирилди. Мухими, тармоқда фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшмаларининг ишчанлигини ошириш, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш йўли билан аҳоли ижтимоий ҳимоясини муостаҳкамлаш, шу асосда тиббий хизмат маданиятини ошириш бўйича тадбирлар белгиланди.

Тармоқ кўмитаси юқоридаги Давлат дастури мақсадларидан келиб чиқиб хусусий тизимда иш кўраётган ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ манфаатлари, бурчлари ҳақида жойларда ўқув кунлари, кўрик-танлов, семинар машғулотлари уюштирилмоқда.

Шу билан бирга меҳнат жамоаларида бўлиб ўтаётган мулоқотларда хусусий тиббий хизмат сифатини кўтариш, бу борада касаба уюшмалари ишчи-хизматчилари фаолиятини рағбатлантиришга ёрдам берадиган тақдирда, мулоқозлар билдирилмоқда.

Дилором ЭРГАШЕВА, вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи.



Касаба уюшмаларининг жанговарлик, ташкилотчилиқ, ишчанлик қобилиятлари фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқ манфаатларини кафолатлашда намоён бўлади.

Ходимлар билан ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамдард бўлса, талаб эҳтиёжларини қондиришда жонбозлик кўрсатса, касаба кўмларнинг омма орасидаги обрўси, нуфузи ошаверади.

Бу борада жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёсдир. Тиббиётни ислох қилиш дастурида оналик-болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлод камоли, хотин-қизлар мавқеини ошириш каби аҳолининг конституциявий ҳуқуқлари шартномага асос қилиб олинди.

Айниқса, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, сихатгоҳларнинг дори-дармон ва замонавий тиббий ускуна, анжомлар билан таъминланганини касаба кўм пухта назорат қилиб бормоқда. Мавжуд 31 та бошланғич касаба уюшмалари, 1869 нафар касаба уюшма аъзоларининг фаолияти давлат дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.

14 та қишлоқ шифокорлик пункти, битта болалар сихатгоҳи, 2 та поликлиника, тери-

таносил касалликлари диспансери, силга қарши кураш диспансери, шошилинч-тиббий ёрдам бўлими аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тобора яхшиланиб борапти. Чи-

ҲАР ҚИШЛОҚҚА БИТТАДАН ВРАЧЛИК ПУНКТИ

мён, Норбўта, Ижтимоиёт, Дўстлик аҳоли мавзеларида янгитдан қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга аёللанди.

Туманда «Шошилинч тиббий ёрдам маркази»нинг очилиши оналик ва болалиқни ижтимоий ҳимоялашда муҳим воқеа бўлди. Мажмуа ҳузуридagi 120 ўринли туғруққа тайёрлаш бўлими аёлларга беминнат хизмат қилмоқда.

Чақалоқлар тажрибали доялар назоратида бўлиб, тиббий кўриқдан кейин болалар асаб касалликлари, ички касалликлар бўлимларида даволанишнинг давом эттириладилар. Муолажа ишлари асосан ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги асоратларнинг олдини

олиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг сихат-саломатлигини муостаҳкамлашга қаратилган. Таъкидламоқчимизки, боқувчисини йўқотган оилалар, камқонли оналар, нафақахўрлар, яқка-ёлғизларни даволаш ишлари, озиқ-овқат, дори-дармон таъминоти имтиёзли шартларда

бирга қатор муаммолар ҳам мавжуд. Шартномаларда иш берувчига соғлом, хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиш масъулияти юклатилган. Бирок, рентген, физиотерапия кабинетида, кирхона каби оғир меҳнат шароитида ишлайётганларни бепул сут махсулотлари билан таъминлаш ҳозиргача навбатда турибди. Хусусийлаштириш баҳонасида ишлай турган сутли таомлар тайёрлаш ошхонаси ёпиб қўйилган.

Қишлоқ жойларидаги шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш шохбчаларининг моддий-техника базасидаги етишмовчиликлар сусткашлиқ билан ҳал этилмоқда. «Тез ёрдам» автоуловларига эҳтиёт қисмлар етишмайди. Устига-устак, автоуловлар замонавий тиббиёт ускуналари билан етарли жиҳозланмаган.

Юқоридаги камчиликлар бартараф этилса, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик, болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантириш соҳаларида янги ютуқларни қўлга киритишимизга шак-шўбга йўқ.

Венера БЕГМАТОВА, Кўргонтепа туманидаги марказий шифохона касаба уюшма кўмитаси раиси.

24 СОАТ УЗЛУКСИЗ интернет тармоғида

Маълумки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар, энг аввало, меҳнат аҳлининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳолини соғломлаштириш, соғлом авлод тарбиясига йўналтирилган.

Давлат дастурини амалга оширишда вилоятимизда салмоқли қадамлар ташланди. Масалан, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ишга туширилди. Илгариги клиник шифохона таркибида 350 ўринли янги шошилинч тиббий сихатгоҳ бунёд этилди. Бир йўла 180 беморга тезкор хизмат кўрсатаётган, турли касалликларга ихтисослашган 30 бўлимда кеча-кундуз ҳаёт қайнамоқда.

Энди аввалгидек бемор учун зарурат туғилганда қон излаб, дори-дармон кидириб, клиник-биохимик таҳлил учун оворгарчиликка ҳожат йўқ. Барча шошилинч муолажалар бир жойга жамланган. 9 та жаррохлик хонаси, олис қишлоқлардан филиалга шошилинч суратда беморни етказувчи санитария-авиация тиббий хизмати тизиммаси ҳам бўлинимизга бўйсундирилган.

Мажмуанинг моддий-техника базаси муштаҳкам. У энг замонавий техника воситалари, ускуналари билан жиҳозланган. Бу шунга давлат томонидан 937 миллион 508 минг сўм маблағ сарфланди. Ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва қулай маиший шароитлар яратиш учун 42 миллион сўмлик қаттиқ, 9 миллион сўмлик юмшоқ жиҳозлар харид қилинди.

Вилоят ҳокимлигининг 15,5 миллион сўмлик молиявий ёрдами эвазига ком-

пьютер, 40 та уяли ички телефон тармоқлари ўрнатилди. Шунингдек, нейро-жаррохлик, наркоз ускуналари, 32 тармоқли электроэнцефалограф, жаррохлик заррабини беморлар хизматида. Интернет тармоғига уланганимиз дунё мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз билан, айниқса, тиббиёт оламидаги янгиликлар, фаолиятни сифатли ташкил қилиш тажрибалари билан ўртоқлашмишда фоят қўл келмоқда. Клиник-биохимий таҳлилхона, рентген, қон қуйиш ва тайёрлаш бўлимлари 24 соат узлуksиз ишламоқда.

Бўлинимиз таркибидаги Андижон тиббиёт олийгоҳининг 6 та кафедрасида 4 нафар профессор, 7 нафар тиббиёт фанлари доктори, 12 нафар тиббиёт фанлари номзоди фаолият кўрсатаётганлиги мажмуанинг илмий салоҳияти нечоғли баландлигини нишонлади.

Ютуқлар билан бирга талайгина муаммолар ҳам бор. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий техника воситалари, ускуналар билан жиҳозланган 4 та реамобил ўрнига биттасидан фойдаланганимиз. Лавозим жадвали бўйича ихтисослашган тиббий ёрдам гуруҳлари етарли даражада тузилмаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Автоуловлар учун ёнилги тақчиллиги сезилмоқда, дори-дармон таъминотида узилтишлар бўлиб туради.

Зокиржон УМАРОВ, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Оролбўйи ҳудуди аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Қувончлиси шундаки, мураккаб экологик шарт-шароитларга қарамай болаларни соғломлаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда.

ОРОЛ КЕНГЛИКЛАРИДА

Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб бериш одат тусига кирган. Жисмоний ва ақлий нуқсонли бор болалар учун 5 та махсус мактаб мавжуд. Хўжайлидаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларининг ҳолидан жамғармалар вакиллари, ҳомий ташкилотлар доимо хабардор бўлиб туришибди.

санаторий типидоги, 24 таси шаҳар ташқарисиди, 12 таси мактаблар қошида жойлашган. Хордиқ масканларида ҳар йили 10 мингдан ортиқ ўғил-қизлар дам оладилар.

Касаба уюшмалари республика кенгаши, тармоқ кўмиталари, бошланғич ташкилотлар, корхона, муассаса ва ширкат хўжаликлари ёрдами билан янги мавсумга пухта ҳозирлик кўришиди.

Элликкальдаги «Камал», Тахياتош шаҳридаги «Олтин дон», Хўжайлидаги

«Оқ олтин», Берунийдаги «Роҳат», Нукус шаҳридаги «Юлдузча» оромгоҳларида болаларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун ҳар

ган бўлсалар, жорий йилда уларнинг сони янада кўпаяди, — дейди касаба болаларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун ҳар

томонлама қулайлик яратилган. «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ўз уйимни, ўлкамни ва ўз элимни севаман», «Болаларга беринг дунёни», «Соғлом авлод — миллат таянчи», «Она юртва муносиб фарзанд бўламан» мавзусида ўтказилаётган қизиқарли тадбирлар ёшларда катта таассурот қолдирапти.

— Бултур Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё каби вилоятларнинг соя-салқин гушаларида 15260 нафар ўғил-қизлар хордиқ чиқар

ний ва спорт ишлари бўлимининг мудир Кувватбой Қадирембетов. — Минтақанинг ўзиди ҳам болалар оромгоҳларининг тўлиқ ишлаши учун тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

Халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати минтақада болаларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларига кенг жалб

этиш, сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Оролбўйи болалари... Денгиз сувининг камайиши туфайли юз берган экологик вазият уларга ҳам бир мунча ташвиш туғдирди. Шундай бўлсада, кўчаларни чангитиб тинч ва мусаффо осмон остида оқ кабутар расмини чизиб, шўх-шодон юрган болажонларни кўриб қалбингиз қувончга тўлади. Бир сўз билан айтганда, кечисиз Орол кенгликлариди қалби беғубор, фикри соғлом, иймон-этиқоиди бақувват, билимли, Ватанга садоқатли, мард ва танти ёшлар камолга етмоқда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.



ЖАЖЖИЛАРДАН ҚАРЗДОРМИЗ

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида намойиш этилаётган мусаввирларимиз асарларидан ҳар сафар болалар қиёфаларини излайман. Болалар ҳаётини тасвирлаган мусаввирлар ижодидан қувониб, уларни мутлақо эсламаётган расмлардан ранжиганим рост. Тасвирий санъатга болажонларнинг қиёфалари жуда кам тасвирланганини кўпчилик мухлислар сезаётган бўлишса керак. Наҳотки болаларга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда бу ҳол ҳеч қимни ташвишга солмаётган бўлса. Болаларнинг шўх, самимий, содда дунёқарашларини акс эттирган асарлар нега кам яратилаёттир?



қатида эса ўзгача гоҳ, мазмун, композиция тасвирларини кўраимиз. Ота-онасиз қолган турли миллат болаларини нуруний кексаларни бағриларига олишмоқда. Болалар қиёфасида мамнунлик акс этади. Бу халқимизнинг меҳри дарё ва самимиётга ишоради. Мусаввирнинг «Орол» деб номлаган асариди эса болалар дунёси янгича талқин этилган.

Ҳаётини синчковлик билан ўрганган расмнинг «Йиғламанг, бобожон!» асари эса дилга яқинлиги билан ажралиб туради. Кўлтиқ таёқли бобо уруш хотираларини эслаб йиғламоқда. Унинг уч-тўрт ёшлар чамасиди невараси «Йиғламанг, бобожон», дея жажжигина рўмолчасини узатмоқда. Асарни томоша қилар экансиз, урушнинг оғир фожиалари кўз ўнгингизда намоён бўлади.

қайта-қайта мурожаат қилади. Айни кунда ҳам отахон расмимиз келажакимиз эгалари бўлган болаларни алоҳида меҳр билан жўшиб тасвирляптилар. Фозил кишилар ўз фарзандларини қандай тарбиялаганларини тарғиб қилиш билан бирга халқимизнинг бой маънавиятини, болажонлигини мўйқаламда акс эттирмоқдалар. Яқинда кекса мусаввиримиз Анвар ота Болқонов кўргазмасини кузатиб, унда болалар қиёфалари акс эттирилган ўнлаб асарларни кўриб севиндим. 85 ёшдан ошган мусаввир болаларни алоҳида меҳр ва самимиёт билан тасвирляпти. «Ўтмиш ва бугун» деб номлаган асариди паранжга чачондаги она кўлида боласи билан тасвирланган. Қора чиммат орқасиди бола хархаша қилиб йиғлайди. У нурга, зиёга талпинади. Бугунги кун акс эттирилган тасвирда эса бахтиёр она ва унинг дуркун фарзанди шодон қиёфада мўйқаламга олинган. Мусаввир бу асариди эркинлик ва адолатни улуғлайди. «Сен етим эмассан» пла-

Плакатчи мусаввир кейинги йилларда яратган асарларини бахтиёр болалик, эркин, хур замонамизга бағишляпти. «Ассалом, жонажон мустақил Ватаним», «Ўзбекистон Конституцияси» шулар жумласидандир.

Соғлом авлод — келажакимиз таянчи. Бугун мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотлар ёш авлоднинг камолотиға хизмат қилмоқда. Ёш расмларимиз ҳам бу боррадаги эзгу ишларни бола хархаша қилиб йиғлайди. У нурга, зиёга талпинади. Бугунги кун акс эттирилган тасвирда эса бахтиёр она ва унинг дуркун фарзанди шодон қиёфада мўйқаламга олинган. Мусаввир бу асариди эркинлик ва адолатни улуғлайди. «Сен етим эмассан» пла-

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институти илмий ходими.

КАТТА МАДАД

«Барча яхши нарсалар — Соғлом авлод учун» шиори Мустақиллик йилларида янада улугвор аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса у хоҳ давлат тасарруфида бўлсин ёки жамоат ташкилоти бўлсин ширин-шаккар болажонларимиз учун қўлларидан келган ёрдамни аяшмаяпти. Ўз навбатида бу хайрли ишлардан жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда туришгани йўқ.



Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасиди Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкент шаҳар тармоқ корхоналарида ишловчи ишчи хизматчиларнинг фарзандларига «Ўзбекистон миллий боғи» ва «Мирзо Улугбек» боғларидаги аттракционларига 3.000 мингта бепул чипталар тарқатилди. Ушбу тадбирга ҳаммаси бўлиб 1,5 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, кўпгина алоқа корхоналарида «Бола чизган расм» кўрик-танловларини ўтказиш режалаштирилган. Ғолиб чиққан болалар эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Байрам муносабати билан Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳрида ҳокимият маданият бўлими ҳамда «Ширинэнерготаямир» қурилиш ташкилоти, Сирдарё иссиқлик электр станцияси раҳбарияти ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда шаҳар боғида болажонлар учун театрлаштирилган томоша намойиш этди. «Ўзимёфарм» очик турдаги ҳиссадорлик компанияси ҳам томошага 60 минг сўмлик чипталар олиб бериб, жажжиларни хушнуд этди. Ўз навбатида мазкур корхона «Хайрли ният» болалар жамғармасига 100 минг сўм маблағ ўтказиб берди.

УЛАР АСЛО ЁЛҒИЗ ЭМАС

Болажонлик - халқимизга хос олижаноб фазилатлардан бири. «Меҳрибонлик» уйларида амалга ошириляётган ишлар бунинг яққол далилидир. Самарқанд шаҳридаги 6-«Меҳрибонлик» уйи 1937 йилда ташкил топган. Кейинги ўн йилда тарбияланувчи болаларга давлат томонидан ғамхўрлик кучайди. Мазкур масканда ҳозир ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож оилаларнинг 143 нафар фарзанди тарбияланмоқда. Уларнинг камолоти учун барча шароитлар муҳайё. Ётоқхоналар талаб даражасиди жиҳоз-

ланган. Кутубхона, спорт зали ва майдончалари, дам олиш хоналари болалар ихтиёриға бериб қўйилган. Бўш вақтларда болалар С.Қурбонова, А.Брызгунов, А.Меҳно, Б.Болтаев раҳбарлиғиди тикувчилик, дурадгорлик, спорт, мусика тўғрақларида машғул бўлишади. Тарбияланувчиларнинг саломатлиғи биз учун ниҳоятда муҳим. Тажрибали шифокорлар И.Давлатов, Н.Абдурашулова, М.Султоновларнинг саёй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. Вилоят касаба уюшмалари ёзги мавсумда болажон-

ларни оромгоҳларда соғломлаштиришға кўмаклашляпти. Шу ўринда мазкур масканда 30 йилдан бери ишлаётган О.Майстренко, 45 йилдан бери ишлаётган М.Дўстова, ёш мутахассис З.Назарова, А.Брызгунова сингари тарбиячиларнинг машаққатли меҳнатларини эътироф этиш керак.

Бугунги кунда савоб ишға жуда кўпчилик бош қўшмоқда. Хусусан, «Самвилгаз», «Самарқандмармар» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Нарис», «Сино» акционерлик жамиятлари биноларни таъмирлашға,

жиҳозлар билан таъминлашға катта ёрдам беришди. Бундан ташқари, ҳомийларимиз байрамларда болаларнинг кўнглини сўраб туришади. «Нарис» акциядорлик жамияти раҳбарияти эса коллежларда ўқишни битирган тарбияланувчиларини ишға жойлаштиришни ўз зиммасига олган. Хуллас, болалар меҳр оғушида бўлганликларни туфайли ҳаёт завқидан баҳраманд бўлишмоқда.

З.РАҲИМОВА, Самарқанд шаҳридаги 6-«Меҳрибонлик» уйи директори.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

САЙЛОВЛАР ДЕКАБРДА ЎТКАЗИЛАДИ

Авалғи ахборотларимизда Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофатнинг ислохотлар йўлиға юз тутганлигини алоҳида таъкидлаган эдик. Куни-кеча у тахмин қилинган сайловларнинг аниқ муддатини белгиляди. Мухторият раҳбариятиға бўладиган сайловлар декабр ойида ўтказилади.

ОВРУПО ИТТИФОКИ БИЛАН МУЛОКОТ

Куни-кеча Москва шаҳрида Оврупо Иттифоқи билан Россия раҳбарлари ўртасиди саммит бўлиб ўтди. Унда таъкидланишча, Россия Федерацияси кейинги пайтларда Оврупо Иттифоқи, БМТ, АҚШ, НАТО каби халқаро ташкилотлар билан ўз муносабатларини янги савияға кўтарди. Натижанда, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар тобора такомиллашмоқда. Мазкур саммитда умумий иқтисодий муҳит яратиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

ЛИВИЯ ТОВОН ТЎЛАЙДИ

1988 йилнинг бошларида Шотландиянинг Локерби

шаҳри узра катта фожеа юз берган эди. АҚШ томон учиб кетаётган йўловчилар тайёраси шаҳар устида портлаб кетиб, 177 киши қурбон бўлган эди. Бу машъум хатти-ҳаракатда Ливия фуқаролари бўлмиш террорчиларнинг қўли борлиғи кейинчалик исботланди. Ҳозирға келиб, жаҳон жамоатчилиғи тазийки остида Ливия ҳалок бўлганлар оилаларига товон пули тўлашға розилик билдирди. Боз устиға, АҚШ Ливия раҳбариятидан террорчиликни қатъиян қоралашни талаб қилди.

ИНКИРОЗ АРАФАСИДА

Сербия парламент инкироzi арафасида турганға ўшяпти. Жанжал Сербия бш вазир Зоран Жинжич

билан Югославия президенти Воислав Коштуница ўртасиди ёмонлашган муносабатдан келиб чиқди. Гап шундаки, В.Коштуница раҳнамо бўлган Сербия демократик партияси (СДП) вакиллари 50 нафар депутатни интизомсизликда айбладилар. Чунки уларнинг кўпчилиғи парламент мажлисларида қатнашмас эди. Уларни депутатлик мандатларидан мосуво қилиш учун бош вазирнинг муҳолифатдаги Сербия демократик партияси (СДП) аъзолари овоз бердилар. Буни қарангки, 50 депутатдан 23 нафари СДП аъзолари экан. Бундай ҳолат президентнинг обрўйиға таъсир қилиши мумкин.

«АЖАЛ ФАРИШТАЛАРИ»

Польшанинг Лодзи шаҳрида бир гуруҳ шифокорлар «Ажал фаришталари» деб ном чиқардилар. Улар гўрковларнинг буюртмасига биноан оғир касалларға атайлаб ўлдирувчи дори-дармонлар беришган ёхуд мутлақо уларнинг ҳолидан хабар олмай қўйганлар. Натижанда, хасталар қисмати фожеали тугайверган. Бундай қотилликни текширган прокуратура 31 киши устидан жиноий иш қўзғаган, 13 киши ҳибсға олинган. Прокурор Виктор Чахнинг айтишича, жиноятчиларнинг айбини исбот қилиш гоят қийин кечмоқда. Чунки, бу ишға юзлаб кишилар аралашган.

РАКЕТА СИНОВДАН ЎТДИ

Покистон раҳбарияти кичик масофаға учадиган «НАТФ-II (ABDALI)» русумли баллистик ракетаининг синовдан ўтказилганлигини эълон қилди. У ядровий қуролларни олиб ўчишға қодир. Синово муваффақиятли тугагандан сўнг президент Парвез Мушарраф Покистон зарурат тугилса, Хиндистонға муносиб ҳарбий жавоб қайтаради, деди. Покистонда ҳозир 25 тадан 50 тагача атом ҳарбий зарядлари мавжуд. Улар манзилларға «F-16» самолётларида ёхуд «Шахин» ёки «Гаури» ракеталарида элтилиши мумкин.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосиди тайёрланди.

Н. РАФИҚОВ.

Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport * Sport

УЗОҚ ШАРҚДА катта футбол

Футбол кизик. Баъзан ўртача жамоа ўзидан анча кучли ва баобру жамоани ютиб қўйиши мумкин. Бу кўпроқ майдонда ҳаракат қилаётган футболчиларнинг кайфияти ва албатта, уларнинг бир-бирларини қай даражада тушуниб ўйнашларига боғлиқ. Чамаси, биз ҳозир номини тилга оладиган чарм тўп усталари ҳам бунни яхши билишади.

Шундай қилиб, химоячи Бахтиёр Ашурматов рақиб ҳужумини бартараф этган, тўпни дарҳол майдон марказига — Хусниддин Мирхамидовга узатди. У ҳам ўз навбатида вазиятни тўғри баҳолаб, қаровсиз қолдирилган Марсел Идиатуллинни олға бошлади...



Бундан бир ҳафта муқаддам бунни фақат хаёл қилиши мумкин эди. Қилни қирқ ёрадиган футбол мухлислари коса тагидаги нимқосани дарҳол англашди. Биринчи «Пахтакор»да, бири «Трактор»да, бири эса «Қизилқум»да тўп сурадиган ўйинчилар бир жамоа бўлиб қолганликларига ажабланмаётдилар ҳам. Бу футболчилар Бухорода давом этаётган «Универсиада-2002» мусобақаси шарафати билан ўзлари тахсил олаётган олий ўқув юрти шарафини химоя қилмоқдалар. Айнан шуниси билан кўпгина мутахассислар шароит тақозосига қўра қандайдир тажрибалар ҳақида ҳам ўй сурмоқдалар. Универсиада бахсларининг маълум

вогар сифатида тилга олмоқда. Лотин Америкаси футбол гигантлари Бразилия ва Аргентина ҳам томошабин бўлиб турмаслиги аниқ. Шунингдек, Италия ва Англия ҳақида шундай фикрларни айтиш мумкин. Яна... Ким билади, балки Африка қитъаси вакиллари катта шовшув сабабчиси бўлишар?

Хўш, осийликлар-чи? Бундай илиқ башоратларга муносиб эмасми улар? Билмадик, бир ой давом этадиган ва 30 июнда Япониянинг Иокогама шаҳридаги 70 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳда яқун топадиган футбол марафонига дош беришга қодир жамоа топилармикан?

Кошки эди шундай бўлса! Финалгача бўлмаса-да, ярим финалгача, лоқал чорак финалгача китъадошларимиздан қайсидир жамоа этиб боришини, умуман олганда улар муносиб ўйин кўрсатишларини биз, ўзбекистонлик футбол мухлислари ҳам астойдил истаймиз.

Бунинг сабаби оддий. Гап шундаки, келгуси жаҳон чемпионатида Осийдан қанча мамлакат термаси иштирок этиши бугун бошланган бахслар якунига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Пойтахтимиздаги сўлим «Боги Эрам» оромгоҳида Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Тошкент вилояти енгил, меҳел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг бадий кўрик-танлови ва спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Тадбирнинг 250 нафардан ортиқ иштирокчилари — ҳаваскор санъаткорлар ва спортчилар бир кун давом этган беллашувларда ўз жамоалари шарафини химоя қилишди. Спортчилар футбол, шохмат (эркаклар), шашка (аёллар), стол тенниси (ҳам аёллар, ҳам эркаклар ўртасида) бўйича беллашган бўлсалар, бадий кўрик-танловда 7 та жамоа ҳакамлар хайъати ва томошабинлар олдида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Меҳнатқашлар ўртасида бу каби тад-

СПАРТАКИАДА ВА КҶРИК-ТАНЛОВДА

оддий ишчидан раҳбар ходимгача иштирок этди

бирларни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт оммавийлигига эришиш ҳамда иқтидорларини ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рағбатлантириб бориш фаолиятимизнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади, — дейди тармоқ ходимлари касабаси уюшма вилоят кўмитаси раиси Тожиҳон Қобулова. — Энди бево-

қуллигига амин бўлдик. Дарҳақиқат, бахсларда вилоятнинг турли туманларида фаолият кўрсатаётган тармоқ меҳнатқашлари, оддий ишчидан тортиб раҳбар ходимгача, барча-барчанинг ўзгача кўтаринки руҳ, катта иштиёқ билан қатнашгани маъзур тадбирнинг энг катта ютуғи бўлди. Айниқса, Чиноз туманидаги «Чиноз тўқимачи», Покент туманидаги «Кеназ» қўшма корхонала-

Касаба уюшма тадбири

рининг хорижлик ҳамкорлари, «Олмалик сув оқава» вилоят «Иссиқлик манбаи» каби ташкилотлар раҳбар-

йинги ўринлар эса Ангренадаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамаиати ҳамда Чирчиқ шаҳридаги коммунал-маиший лицейи жамоаларига насиб этди.

Барчада катта қизиқиш уйғотган футбол ўйинларининг финал баҳсида «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамаиати аъзолари вилоят «Иссиқлик манбаи» жамоасини мағлуб этишди. Учинчи ўринни «Олмалик сув оқава» корхонаси футболчилари эгаллашди.

Спартакиада ва бадий кўрик-танловнинг голиб ҳамда совриндор жамоалари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. О.КАМОЛОВ.



«Универсиада-2002»

УЛАРНИ ЭНДИ ҲАММА ТАНИЙДИ



Тошкент-1 жамоаси Елена Есименко 200 метр масофага чалқанча сузиш бўйича биринчи, 400 метр масофага сузиш бўйича эса иккинчи ўринни қўлга киритди. Тошкент Давлат Педагогика университети талабаси Михаил Алексеев 200 метрга чалқанча сузиш бахсларида энг юқори натижа кўрсатди. Умумкоманда ҳисобида ҳозирча 497 очко билан Навоий вилояти талаба ёшлари пешқадамлик қилишмоқда. Кейинги ўринларни эса тошкентлик (493 очко) ва андижонлик (407 очко) спортчилар эгаллаб туришибди.

рақалпоғистон Андижонни, Фаргона Тошкент вилоятини, Сурхондарё Навоийни, Самарқанд Тошкент-3ни, Тошкент-2 Жиззахни ҳудди ана шу ҳисобда мағлуб этди.


Ромитон, Вобкент, Бухоро туманлари ва Когон шаҳри ўйингоҳларида бўлиб ўтаётган энг сеvimли спорт тури — футбол ўйинларининг гуруҳ учрашувлари якунланди. Кунни кеча бўлиб ўтган чорак финал ўйинларида эса кўйидаги учрашувлар қайд этилди: Бухоро - Сурхондарё 3:0, Тошкент-1 - Фаргона 4:1, Тошкент-3 - Андижон

Ишқибоз ён дафтарида XVII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ 31 май — 30 июн 2002 йил

Table with columns: Кун, Соат, Учрашув, Натижа, Шаҳар. Rows include France, Senegal, Uruguay, Denmark; Spain, Slovenia, Paraguay, Jar; Brazil, Turkey, China, Costa Rica; Japan, Poland, Czech Republic, Portugal; Germany, Saudi Arabia, Ireland, Cameroon; Argentina, Nigeria, England, Sweden.

Table with columns: Кун, Соат, Учрашув, Натижа, Шаҳар. Rows include Italy, Ecuador, Croatia, Mexico; Japan, Belgium, Russia, Tunisia; 1/8 Final; 1/4 Final; 1/2 Final; 3-Урин учун; Final.

Айни кунларда «Универсиада-2002» мусобақалари Бухоро шаҳри ва вилоятидаги 13 та ирик спорт мажмуи ва ўйингоҳларда кизгин давом этмоқда. Беллашувлар бўлиб ўтаётган барча спорт майдонлари томошабинлар билан гавжум. Шаҳар марказидаги 3 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатрда талабалар ўйинларининг дастлабки голиблари — енгил атлетикачиларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. 12 та олтин, 12 та кумуш ва 12 та бронза медаллари, шу билан бирга, Универсиада медаллари, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Йигит ва кизлар ўртасида тўсиқлар оша югуриш, ядро улоқтириш, уч хатлаб сакраш ҳамда 1500, 400, 100 метр масофаларга югуриш бахсларида Олег Норматов (Ўзбекистон) Давлат жиҳмоний тарбия институтини, Наталья Бесмертних (Тошкент Давлат аграр университети), Шавкат Шарипов (Бухоро Давлат университети) лар Универсиаданинг илк олтин медалларига сазовор бўлишди.



«Универсиада-2002» дастуридан ўрин олган волейбол мусобақалари ҳам кизгин давом этмоқда. Эркаклар жамоалари ўртасида кечган дастлабки учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: Самарқанд - Навоий 3-1, Андижон - Хоразм, Наманган - Сирдарё, Фаргона - Жиззах, Тошкент-1 - Тошкент-3, Сурхондарё - Қашқадарё, Тошкент-2 - Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси - Бухоро учрашувларида эса бир хил — 3-0 ҳисоби қайд этилди. Қизлар жамоалари ўртасидаги волейбол мусобақаларида ҳам 3-0 ҳисоби кўп марта таблога ёзилди. Жумладан, Қо-

Республикаси - Тошкент-2 4:3. Ушбу жуфтликлар голиблари ярим финалда куч синашдилар.

Шохмат бўйича бахсларда ҳам ярим финалчилар аниқланди. Кўтаринкилик билан дон сурган Наманган, Самарқанд, Тошкент-1, Бухоро жамоалари ўзаро бахсларда 1-4 ўринлар эгаларини аниқлайдиган бўлишди.

Спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ҳам кескин курашлар остида давом этмоқда. У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» муҳбири.

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Париждаги «Ролан Гаррос стадиум» теннис кортларида Франция очик чемпионати кизгин давом этмоқда. Аёллар ўртасида кечган биринчи давра беллашувида Ирода Тулаганова Дания вакиласи Ева Дирбергни 7-6, 6-3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олди. Энди ҳамюртимиз австралиялик Кристина Вилерга қарши кортга чиқади. Эркаклар мусобақасида қатнашаётган Ўзбекистоннинг етакчи ракетка устаси Олег Огородов иккинчи босқичда австралиялик Маркус Хипфл билан куч синашди. Теннисчилар ўртасида кечган баҳс ўта муросасиз бўлди. Дастлабки

сетда 6-7 ҳисобида имкониятни бой берган Олег иккинчи сетда рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади, ҳисоб: 6-1. Учинчи сетда омад яна австралиялик теннисчи томонида бўлди ва у юртдошимизни 2-6 ҳисобида енгди. Бирок О.Огородов ўзининг буқилмас иродасини намойиш этиб кейинги иккинчи сетда 7-5, 9-7 ҳисобида рақибини мағлубиятга учратди.

М.Ломоносов номли 32-мактаб томонидан Сапаров Рустам Норбоевич номига берилган №963589 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ (ЎЗА).

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 22.25

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир курсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.